

# ЗАМОНАВИЙ МУЗЕЙШУНОСЛИК ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ

# ЗАМОНАВИЙ МУЗЕЙШУНОСЛИК ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
«ФАН» нашриёти  
Тошкент—2018

УДК: 069.01  
КБК 79.1(5Ў)  
З 31

Ушбу монография Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейининг 2018 йил 12 октябрдаги Илмий Кенгашида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган.

**Масъул муҳаррир:**

тарих фанлари доктори Ж.Х.ИСМАИЛОВА

Ушбу монография Ўзбекистон тарихи давлат музейида **ПЗ-20170921174 Ўзбекистоннинг моддий маданияти: сақлаш, тадқиқ ва тадбиқ этиш тамойиллари» мавзусидаги** амалий тадқиқот доирасида тайёрланган. Мазкур монографияда музейшунослик соҳасини ривожлантиришда олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар муаллифлари томонидан турли мавзулар қамровида ёритилган.

**Тақризчи:**

тарих фанлари доктори Б.Ҳасанов

ISBN 978-9943-19-467-0

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
«Фан» нашриёти  
Тошкент—2018

## КИРИШ

Бугунги кунда жаҳондаги ривожланган мамлакатларда тарихий-маданий мерос объектларини сақлаш ва уларни авлоддан-авлодга бешикаст етказиб беришга сафарбар этилган музейлар фаолиятида сайёҳликни шакллантириш ва ривожлантириш масалаларини илмий тадқиқ қилишга тарих ва музейшунослик фанлари кесимида долзарб муаммоларидан бири деб қаралмоқда. Музейлар фаолиятига назар ташласак, улар кечаги экспозициялардаги бир хиллик, ўзгармас кўргазмалар ва зерикарли экскурсиялардан воз кечиб, ташриф буюрувчиларга манзур бўла оладиган янги йўналишларда фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунга келиб бутун жаҳон музейлари олдида «XXI аср музейи қандай бўлиши ва ташрифчиларни қандай жалб қилиши керак», – деган муаммоли масала кўндаланг турибди. Фан-техниканинг ривожланиши музейшунослик йўналишида ҳам бир қатор йўналишларни вужудга келтирди. Музей ашёларини эндиликда, нафақат моддий жиҳатдан намоиш этиш, балки уларни замонавий техника ёрдамида турли услубларда тарғиб этиш имконияти кенгайди.

Музей – фавқулодда анча мураккаб тушунча бўлиб, унга тугал, мунозарасиз ва ҳаммани қаноатлантирадиган таърифни бериш қийин. Кўпгина давлатлар қонунчилиги ёки ўзларининг миллий ташкилотлари доирасида музейлар фаолиятини ривожлантирган. Тарихий-маданий меросни музейларда сақлаш тизмининг шаклланиши салкам икки асрлик тарихга эгадир. Шу давр мобайнида ёдгорлик, мерос, маданият, маданий бойлик, музей, таъмирлаш, реконструкциялаш, музей экспонати, музейлаштириш ва шу каби ўнлаб асосий тушунчалар, терминлар шаклланди, уларга муайян мазмун юклатилди. Ушбу монография қамровида соҳага доир бир қанча долзарб мавзулар тадқиқ этилган.

## МУЗЕЙ, АРХИВ ВА КУТУБХОНАЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

*Жаннат ИСМАИЛОВА,  
тарих фанлари доктори*

XXI аср музейшунослиги соҳасида улкан ўзгаришлар даври бўлиб, янги йўналишлар ва янгича қарашлар бу соҳани замон билан ҳамнафас равишда ривожланишига асос бўлмоқда. Шунингдек, бу давр жамият онгини умумжаҳон маданий меросига нисбатан бўлган муносабатини бутунлай ўзгартириб юборди. Бу ўринда дунёнинг барча мамлакатларидаги воқеа ва ҳодисалар, жаҳон бўйлаб машҳур бўлган дам олиш масканлари, табиат мўъжизалари ва маданий мерос объектлари ҳақида тезкор маълумот берувчи ахборот воситаларининг ўрни беқиёсдир. Бу ҳолат кўплаб мамлакатларнинг маданияти ва турмуш тарзини ўрганишга бўлган қизиқишни орттириб бормоқда. Шу сабабли ҳам бугунги кунда жаҳон туризми иқтисодиётнинг етакчи тармоғи сифатида ҳамда инсонларнинг маънавий-маданий савиясини юксалтиришда жамиятнинг муҳим бўғинига айланди.

Ахборот технологияларининг катта тезлик билан ривожланиши маданий-маърифий муассасаларнинг зиммасига янада кўпроқ катта вазифаларни юкламоқда. Бу ўринда техника билан унчалик ҳам боғлиқ бўлмаган соҳалар, жумладан, музейлар, кутубхоналар, архивлар, адабиёт ва санъат каби йўналишлар ҳам ўз фаолиятини замонавий техника билан уйғунлаштирмоқда.

1963 йилда биринчи бўлиб америкалик мутахассислар Миллий музейда компьютер ёрдамида музей коллекцияларини ахборотлаштиришга ҳаракат қилди. Кейинги 30-40 йил давомида замонавий технологиялар музей фаолиятни тубдан ўзгаришига сабаб бўлди ва музей ходимлари фаолиятининг ажралмас қисмига айланди. Техника воситалари музей фондларидаги иш жараёнини бир тизимга солиш ва ягона ахборот тизимини яратишга катта таъсир кўрсатди. Бутун дунё музейлари замона-

вий техника ёрдамида йиллар давомида қийинчиликлар билан амалга ошириб келаётган иш жараёнларини тез ва сифатли бажаришга муваффақ бўлмоқда. Бу жараёнлар музейнинг ягона ички ахборот тизимини яратиш, улар асосида музей коллекцияларини ҳисоб-китоб ва назорат қилиш тизимини яратишда ўз аксини топди. Дастлаб ушбу тизим фақатгина экспонатлар рўйхати билан чегараланган бўлса, техника асрида уларни рақамлаштириш, музей сайтларига чиқариш, ҳатто бутун дунё ҳамжамиятини музей коллекциялари билан интернет орқали хабардор қилиш имкониятлари очилди.<sup>1</sup>

CD-ROM, мультимедия, web-сайт, интернет тармоғининг юксалиши музейлар ҳаётидаги катта ўзгаришларга сабаб бўлди. Замонавий технологияларнинг пайдо бўлиши, нафақат бир музейнинг ички фаолияти, балки бутун дунёда фаолият кўрсатаётган музейларнинг ўзаро алоқасини шакллантириш, глобал тарзда музейлар йўналишини такомиллаштириш, муаммоларини ечиш ва ривожлантиришда катта аҳамият касб этди.

Ушбу ўзгаришлар XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошида музейлар фаолиятида замонавий янги йўналишлар, шу билан бир қаторда янги технологияларни қўллаган ҳолда илмий-тадқиқот ишларини кенг миқёсда олиб боришига имкон туғдирди.

Маълумки, театр, кутубхона ва бошқа маданияти муассасалари инсонга маънавий озуқа берувчи, уларнинг дунёқарашини кенгайтирувчи ва маънавий баркамолликка етакловчи маърифат маскани ҳисобланади. Ҳозирги кундаги замонавий инсон ўзи учун керакли ва фойдали бўлган ахборотлар билан бир қаторда ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган маълумотларни ҳам ўзига сингдириб келмоқда. Шу сабабли ҳам бугунги маданий-маърифий муассасалар олдида жамият фуқароларини маънавий бўшлиқ ва ғаразли оқимлардан асраб-авайлашдаги маъсулияти янада ортиб бормоқда.

---

<sup>1</sup> Демидов К. Музеи сегодня: проблемы и перспективы. Информатизация музеев. – Екатеринбург, 1998.

Музей, кутубхона ва архивлар инсон тафаккури асоси ҳисобланиб, у инсонни дунёни танишга ва уни тушунишига хизмат қилади. Ўзликни англаш, жамиятда ўз ўрнини топиш ва дунёдаги воқеа ва ҳодисаларни тўғри идрок этиш ва ундан сабоқ олиш каби инсон учун зарур бўлган хусусиятларни шакллантиради. Тарихий артефактлар бизга тарихий жараёнларни тўлиқ тасаввур этиш ва ўша давр муҳитини ҳис этиш имкониятини яратади.

Бу муассасалар тарихни асл манбалар асосида яратувчи тизим сифатида фаолият юритиш билан бир қаторда, талабгорларга тарих саҳифаларини бир-биридан узилмаган ҳолда тақдим этади. Музейшунослик соҳасининг етук мутахассиси Н.Ф.Федоровнинг таъкидлашича, музей – ижтимоий институт тариқасида ўзаро таъсир этувчи ва фаолият юритувчи элемент сифатида: субъект тақлифи (яратувчи) ва субъект талабини (истеъмолчи) тасаввур қилади. Унинг фикрича, ҳар бир музей ходими илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш жараёнида ўз жамоасининг талабгорга энг зарур тарихий артефактларни тақдим этувчи ижодкор ҳамкорлар гуруҳига айлантиради.<sup>2</sup> Музей, архив ва кутубхона орқали аждодларининг фикрларини, интилишларини ва ютуқларини уйғунлаштирган ҳолда қайта яратади.

Ҳақиқатан ҳам музейлар асрлар давомида аждодларимизнинг умумий маданияти, қондош миллат ва элат эканлиги ҳамда ер номи билан аталувчи планетанинг умумжаҳон тарихини ўзида сақловчи ва тарғиб этувчи улўф маскан ҳисобланади. Музейларни айланар эканмиз, осори атиқалар, алломаларимиз ва уларнинг бой моддий-маънавий меросини ҳаётга қайтаради, ташрифчилар учун жонсиз бўлган осори атиқалар бир-бири билан уйғунлашган ҳолда тарих саҳифаларини варақлаб бизга узоқ ўтмишдан хабар беради. Лекин бу жараёнларни амалга оширишда музей ходимларининг вазифаси ва ўрни беқиёс бўлиб, бу жараён бой тажриба ва илмий салоҳиятни талаб этади.

---

<sup>2</sup> Полтавская Е.И. Тиединство музея, архива, библиотеки в проективной философии Н.Ф.Федорова: Современная трактовка. Философия и конфликтология. 2017. Т. 33. Вып. 4. 568 стр.

Музейлар манбалар ва артефактларни сақловчи омборхона эмас, балки уларни илмий истеъмолга киритувчи, қайта тикловчи ва тарих саҳифаларини ўтмиш артефактлари билан бойитувчи илмий маскан ҳисобланади.

Кўпинча музей ходимлари илмий-тадқиқот институти ходимларидан фарқли ўлароқ, кенг мушоҳадаси, барча тарихий жараёнлар ҳақида тўлиқ тасаввурга эга, сақлаш ва таъмирлаш тартиб-қоидалари бўйича малакали мутахассис ва уларни илмий таҳлил эта оладиган даражадаги мутахассис сифатида шаклланиб боради. Чунки музейлар бошқа маданий муассасалардан фарқ қилган ҳолда ҳам кутубхона, ҳам архив фондларига эга бўлиб, бу ҳолат уларнинг кўп қиррали фаолият юритишларига кенг имкониятлар очиб беради. Шу сабабли ҳам музей, кутубхона ва архивлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик музейлар учун айна муддао бўлиб, умумий маълумотлар базасини яратиш ёки бошқа лойиҳаларни амалга оширишда қийинчилик туғдирмайди.

Биз кутубхоналар ҳақида сўз юритар эканмиз, улардан асосий ахборот манбаи сифатида фойдаланувчи кўпсонли китобхонлар кўз олдимизга келади. Архивларда эса асрлар давомида тўпланиб келаётган, бир неча нусхада сақланаётган ҳужжатларни тасавур қиламиз. Бир томондан қараганда, бу муассасалар йиллар давомида бир-биридан мустақил равишда алоҳида фаолият юритиб келган бўлса, бугунги кунда улар орасидаги интеграция замон талабига айланди. Интернет инсониятга барча масалалар ва йўналишларни ўз ичига олган, тез ва сифатли хизмат кўрсатувчи асосий ахборот бўғинига айланди.

Бу ташкilotларнинг талабгорларга тақдим этаётган маълумотлари бир сўз билан айтганда, ахборот хизмати деб аталади. Бу жараёни амалга ошириш фақатгина кутубхона, музей ва архивларга хосдир.

Ўзбекистондаги музейлар, архивлар ва кутубхоналарда сақланаётган осори атиқалар, моддий ва маънавий ёдгорликлар маданий меросни сақлаш ва тарғиб этишда муҳим роль



ўйнайди. Бу муассасалар доимий равишда ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасини турли кўринишлардаги ахборотлар тизимида тўплаб боради. Албатта, бу улкан ахборот оқимини инсоният томонидан бирданига ҳам жисмонан ҳам маънан қабул этиш ёки идрок этиш мумкин эмас. Балки шу сабабли ҳам маданий мерос ҳақидаги маълумотларни бир-бири билан уйғунлашган ҳолда умумлаштириш ва уни ўзлаштириш учун замонавий йўналишларга асос солиш истаги туғилгандир. Бу муассасалар орасидаги чегараларнинг янги лойиҳалар асосида аста-секинлик билан йўқолиб бориши келажакда нафақат биргина давлат миқёсида, балки умумжаҳон маданий мерос ахборот маркази сифатида маълумотлар базасини шаклланишига имкон яратди.

Хизмат кўрсатишнинг умумийлиги – ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган қизиқишларнинг ва ахборот муҳитида интеграциялаш тенденциясининг вужудга келиш сабабларидан бири бўлиши мумкин. Хизмат кўрсатиш бу – фойдаланувчиларни ахборот ресурсларига яқинлаштириш механизми бўлиб, улардан фойдаланиш ҳуқуқини беради.<sup>3</sup> Кутубхоначи китобни жамлаш, сақлаш ва уни ўқувчига бериш орқали китобхоннинг ундан фойдаланишини таъминлайди; музей ходими экскурсия воситасида экспозициянинг мазмун-моҳиятини тушунишни енгиллаштиради; архив ходими фондлар бўйича йўл кўрсаткичлар орқали фойдаланувчиларга ҳужжатларни тақдим этади.<sup>4</sup> Учта муассаса орасидаги коммуникация тизими бир-бири билан чамбарчас ҳолда талабгорлар талабини қондиради.

Бугунги музейлар фаолиятида янада кўпроқ янги йўналишлар пайдо бўлмоқда. Музейлар номи бошқа бўлса-да асл

---

<sup>3</sup>Маҳмудов М.Х. Ахборот-кутубхона, архив ва музей муассасаларида фойдаланувчиларга ахборот хизматини кўрсатишнинг умумий ва ўзига хос томонлари. Иқтисодиётнинг реал тармоқларининг инновацион ривожланишида ахборот-коммуникация технологияларининг аҳамияти. Республика илмий-техник анжуман материаллари. 3-қисм. – Тошкент, 2017.

<sup>4</sup>Корешкова Л. Что значит «клиентоориентированное учреждение»? // Библиотека. 2014. №9. – С.49.

мазмун-моҳияти бир бўлган маданий мерос объектлари ҳисобланмиш кутубхоналар ва архивлар фаолияти билан чамбарчас боғланди. Кечагина алоҳида ўз ҳудудидан ташқарига чиқмаган музейлар, архивлар ва кутубхоналар бугун ўзаро ҳамкор сифатида янги лойиҳалар ташаббускори бўлиб чиқмоқдалар.

Ҳар бир регионнинг тарихи ва маданиятини ўрганишда ҳудуд бўйича ахборот марказини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳудудлардаги маданий меросни сақлаш ва ягона ахборот тизимини яратиш бу биринчи ўринда архив, кутубхона ва музейларнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Албатта, бу ўринда, масалан вилоятлар бўйича ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш бўйича махсус ташкилотлар фаолият юритади. Лекин уларнинг ҳам мақсад ва вазифаси моддий мерос объектларини сақлаш ва келажак авлодга етказишдан иборат-ку. Шундай экан нима учун бир мақсад йўлида хизмат қилаётган бу ташкилотлар ҳамкорликда ягона ахборот тизимини ярата олмаган, деган ўринли савол туғилади. Айнан шундай саволлар бугунги кунда архив, кутубхона ва музей интерграциясига асос солди. Бу муассасаларнинг имкониятлари чегарасиз бўлиб, улар томонидан ташкил этилаётган лойиҳалар биринчи ўринда жамиятнинг маънавий ва маданий савиясини оширишга, шунингдек, музей ва архивларда сақланаётган осори атиқаларни машҳур қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Ягона ахборот тизимини яратиш фуқаролар учун ҳам миллий ва халқаро маданият, урф-одатлар, анъаналар ва тарихий босқичларни кенг миқёсда ўрганиш ва мушоҳада қилиш, илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш, муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини шакллантириш каби бир қанча ижобий шароитларни яратади.

Шунингдек, ягона ахборот тизими турли мавзуларни ўзида акс эттирувчи кўргазмаларни ташкил этиш, каталоглар, монографияларни чоп этиш ҳамда янги грант лойиҳаларини амалга оширишда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Ҳамкорликдаги лойиҳаларнинг устивор томонларини тадқиқотчилар қуйидагича:



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/3627> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/3627> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно  
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3627>